

Бақара сураси, 48-оят

06:15 / 28.08.2017 2784

Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинг. Бақара 48.

Ушбу ояти каримада таърифланган Кун қиёмат кунидир. У кунда ҳар бир жон ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Аллоҳнинг қонуни шу. Ҳар ким қилганига яраша тортади. Адолат ҳам шу-да ўзи.

У кунда иймонсизлар ва яхши амал қилмаган кимсалар ҳақидаги шафоатлар ҳам қабул қилинмайди. Орага тушадиган зот топилмайди. У кунда иймонсизлардан ва яхши амал қилмаганлардан тўлов ҳам олинмайдик, улар уни тўлаб, қиёматнинг азобидан қутулиб қолсалар.

У кунда иймонсизлар ва яхши амал қилмаганлар ўзларига ёрдам берадиган ёрдамчини топа олмайдилар.